

# Шавкат Мирзиёев пандемияга қарши курашда хизмат қилганларга ташаккур изҳор ЭТДИ



10:45 / 30.04.2020 2099

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 29 апрель куни пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишини ўтказди. Бу ҳақда [uza.uz](http://uza.uz) манбаси хабар берди.

Давлатимиз раҳбари, ушбу йиғилишда пандемияга қарши курашнинг олдинги сафларида чинакам қаҳрамонлик кўрсатаётган барча шифокорларимизга, шу жумладан, тез ёрдам хизмати ходимлари ва ҳайдовчиларига алоҳида миннатдорчилик билдириб ўтди.

Шунингдек, оғир жараёнда ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, мард ва жасур ҳарбийларимизга, вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва хизматчиларига, муҳтарам нуронийларимиз ва маҳалла фаолларига, саховатпеша тадбиркорларимизга, олимларимиз, ўқитувчи ва домлалар, ижодкор зиёлиларимиз, имом-хатибларимизга чин дилдан раҳмат айтиб, ташаккур изҳор этди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**